

**“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO‘JALIGINI MEXANIZATSIYALASH  
MUHANDISLARI INCTITUTI”  
MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI**

<b>Kafedra:</b>	<b>Irrigatsiya va melioratsiya</b>
-----------------	------------------------------------

<b>Fan:</b>	<b>Suv xo‘jaligi va melioratsiyaga kirish</b>
-------------	---

**Dots. Botirov Sh.Ch.**

**Toshkent**

## **Foydalaniladigan adabiyotlar ro‘yxati**

### **Asosiy adabiyotlar**

1. Костяков А.Н. “Основы мелиорации”. М. Сельхозгиздат. 1960. - 624 л.
2. Raхimbayev F.M., Xamidov M.X. “Qishloq xo‘jalik melioratsiyasi”. Toshkent. «Mehnat». 1996.-364 bet.
3. Muxamedov A.Q. “Suv xo‘jaligi va melioratsiyaga kirish” fanidan o‘quv qo‘llanma. Toshkent. TIMI bosmaxonasi. 2008 yil. 162 bet.
4. Muxammadjonov A. “O‘zbekistonning qadimgi gidrotexnika inshootlari”. Toshkent . O‘zbekiston. 1997 yil. 88 bet.
5. Ирригация Узбекистана. I-IV том. Ташкент. «Фан» 1981 г.
6. Xamidov M.X., Shukurlayev X.I., Mamataliyev A.B. “Qishloq xo‘jaligi gidrotexnika melioratsiyasi”. Toshkent., Sharq. 2008.-408 bet.

### **Qo‘shimcha adabiyotlar**

1. Raхimbayev F.M. va boshqalar. “Qishloq xo‘jaligida sug‘orish melioratsiyasi”. Tashkent. “Mehnat”. 1994.-327 bet.
2. Raхimbayev F.M., Shukurullayev X.I. “Zax qochirish melioratsiyasi”. Toshkent. “Mehnat”. 1996.-201 bet.
3. Рахимбаев Ф.М. “Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям”. Ташкент. “Мехнат”. 1988.-363 бет.
4. Рахимбаев Ф.М. “Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям”. Ташкент. “Мехнат”. 1991.-391 бет.
5. O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi 1-12 tom.

**Мавзу: XIX асрнинг иккинчи ярими ва XX аср бошларида Ўрта Осиёда ирригациянинг ривожланиши (1853-1917). 1917 йилдан кейинги даврларда Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ҳолати.**

### **MA'RUZANING REJASI**

1. XIX асрнинг иккинчи ярим ива XX аср бошларида Ўрта Осиёда ирригациянинг ривожланиши (1853-1917).

2. 1917 йилдан кейинги даврларда Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ҳолати.

**XIX asrning ikkinchi yrimi va XX asr bo'shlarida Ўрта Osiёda  
irrigatsiyaning rivojlaniши (1853-1917). 1917 yildan keyingi davrlarda  
Ўzbekistonда irrigatsiya va melioratsiyaning ҳолати.**

<b>Faoliyat bosqichlari</b>	<b>Faoliyat mazmuni</b>	
	<b>o'qituvchi</b>	<b>talabalar</b>
<b>I. Kirish bosqichi (10 daqiqa).</b>	<p>1.1. Mavzuning nomi, maqsadi, rejalashtirilgan o'quv mashg'uloti natijalari va uni o'tkazish rejasi bilan tanishtiradi.</p> <p>1.2. Mashg'ulot ma'ruza, tushuntirish va namoyish shaklida o'tkazilishini va baholash mezonlarini ma'lum qiladi</p> <p>1.3 Fanni o'rganish uchun adabiyotlar ruyxati bilan tanishtiradi.</p>	<b>Tinglaydilar, yozib oladilar</b>
<b>II. Asosiy bosqich (55 daqiqa).</b>	<p>2.1. Mavzu bo'yicha ma'ruza va uning rejasi, asosiy tushunchalar bilan tanishtiradi.</p> <p>2.2. Ma'ruzani yorituvchi slaydlarni Power pointda namoyish va sharhlash bilan mavzu bo'yicha asosiy nazariy bilimlarni bayon qiladi.</p> <p>2.3. Jalb qiluvchi savollar beradi; mavzuning har bir qismi bo'yicha xulosalar qiladi; eng asosiy tushunchalarga e'tibor qaratadi.</p>	<b>Tinglaydilar, Yozib boradilar. Savollarga javob beradilar</b>
<b>III. Yakuniy bosqich (15 daqiqa).</b>	<p>3.1. Mavzuni umumlashtiradi, umumiy xulosalar qiladi, yakun yasaydi, savollarga javob beradi.</p> <p>3.2. Talabalarga mavzu bo'yicha nazorat savollarini e'lon qiladi.</p> <p>3.3. Mustaqil ish uchun vazifa beradi: mavzuga oid yangi ma'lumotlarni topib, mustaqil o'qib kelish.</p>	<b>Diqqat qiladilar. Savol beradilar. Savollarga javob beradilar. Vazifani yozib oladilar.</b>

## Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ва мустамлакачилик сиёсати

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Ўрта Осиёда уч хонлик ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, келишмовчиликлар хонликлардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятни танг ахволга олиб келди, бу ҳудудлардаги маданий ҳаётни издан чиқарди. Ўлкадаги бундай вазият Россиядек давлат учун ўз имкониятларини амалга оширишга қулай шароит яратди. XIX аср ўрталарида жаҳоннинг йирик давлатлари ўртасида янги мустамлакалар учун кураш қизиқ кетган даврда Чор Россияси ҳам бу курашдан четда қолмади. Шу жihatдан XIX аср ўрталарида Англия ва Россиянинг манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Россия сиёсатчилари Буюк Британиянинг Туркистон ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан ғоят хавфсиратган эдилар. Бунга асос ҳам етарли эди. Чунки Англия ўз тасарруфидаги Хиндистон ва Афғонистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар олиб борар эди. Англиянинг асосий мақсади хонликларни босиб олишга чоғланаётган Россиянинг режаларини барбод қилиш, учала хонликни унга қарши бир куч қилиб бирлаштириш ва Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш эди.



**Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишини тезлаштирган қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир**

**1**

-XIX асрнинг II ярмида Россияда капиталистик ишлаб чиқариш тез кучаяди, у ўзига янги хом ашё манбалари ва бозорлар излашга бошлади.

Россия енгил саноатини таъминлаб берувчи арзон хом ашё базасини Ўрта Осиёда мавжудлиги



# Пахтачилик ривожланиш тарихи

Азалдан пахта фақат Осиё ва Африканинг иссиқ ва серсув жойларида, жумладан Ўзбекистон ҳудудида етиштирилган. Америка қитъаси кашф этилгач, европаликлар океан ортида ҳам пахта етиштира бошлайди.

Унумдор ерлар, қулдорликнинг авж олиши ва денгиз орқали бошқа мамлакатларга етказиб беришнинг қулайлиги туфайли XIX аср бошларига келиб АҚШда пахта етиштириш жуда оммалашади.

Европада «саноат инқилоби» бошланганда кўплаб соҳалар қатори тўқимачилик ҳам ривожланади. Натижада толага талаб ошади ва Америкадан Европага пахта олиб келиш кўпаяди.

1860-1865 йилларда АҚШда содир бўлган фуқаролар уруши туфайли Европага пахта келиши кескин қисқаради. Оқибатда, нафақат Европада, балки пахта хомашёсини кўҳна қитъа орқали оладиган Россияда ҳам пахта толаси тақчиллиги бошланади.



2

Қрим уруши (1853-1856) туфайли Қора денгиз бандаргохларининг қўлдан кетиши ва унинг ўрнини Ўрта Осиёни эгаллаш орқали тўлдириш. Шу орқали жанубдаги музламайдиган денгизларга чиқиш, Ўрта Осиё орқали Эрон, Афғонистон Хитой, Хиндистон каби давлатларда Англиянинг таъсирини йўқотиб, бу давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатиш. Туркистон бу агрессияларда плацдарм вазифасини ўташи.

3

Россиянинг Европа бозорлари билан рақобат қила олмаслиги сабабли ишлаб чиқарилган махсулотларни сотиш учун Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш.



# Қўқон хонлигини истило қилиниши

Генерал Перовскийнинг қўшини 1853-йили Қўқон хонлигининг стратегик қалъаси бўлган Оқмачитни қамал этиб эгаллади. 1847-1864 йилларда рус давлати Қўқон хонлигининг ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ерларидаги кўп жойларни қўлга киритди.

1876-йил феврал ойида Қўқон қамал қилинади ва Қўқон хонлиги тугатилиб, ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилиб, унга генерал Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланди. Туркистон генерал губернаторлиги Россия империяси ҳудудидаги бирорта ҳам губерналар эга бўлмаган ҳуқуқларга, катта имтиёзларга эга бўлди. Жумладан, у хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориши, солиқ сиёсатини белгилаши, рус фуқоролиги ҳуқуқларини бериши, маҳаллий аҳоли устидан чиқарилган ҳукмларни белгилаши мумкин эди.

## Бухоро амирлигини истило этилиши

Россиянинг Бухоро хонлигига қарши уруш ҳаракатлари икки мавсумда-1866 ва 1868 йилларда ўтказдилар. 1866-йилда олиб борилган истилочилик босқинлари оқибатида хонликнинг Ўратепа, Жиззах, Янгиқўрғон сингари ҳудудлари Россия таркибига киритилади. 1868-йил майда бўлган ҳужумда Самарқанд эгалланди. Фон Кауфман амир билан Зирабулоқда урушаётган бир пайтда Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларидан кучлар келиб, Самарқандда кўзғолон бошланади. Кауфман зудлик билан Самарқандга қайтиб, кўзғолонни бостиради, минглаб маҳаллий аҳолини қиради, ҳамда қимматбаҳо бойликлар таланади.

1868 йил 23 июнга келиб, чорасиз қолган амир Музаффар Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан сулҳ тузишга мажбур бўлади ва Россия императорининг вассалига айланади. Бу сулҳга кўра, Бухоро амирлиги ўз мустақиллигини йўқотибгина қолмай, Самарқанд, Каттакўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидан ҳам ажралади.

Маълумотларга кўра, Самарқандни амирликда қолдириш юзасидан мунозаралар бўлиб ўтган. Лекин, Кауфманнинг ҳаракатлари билан Самарқанд Россия таркибида қолдирилади. 1868 й. июнда Самарқанд ва Каттакўрғонни ўз ичига олган Зарафшон округи ташкил этилиб, унга генерал-майор А.К.Абрамов бошлиқ этиб тайинланади. Амир товон сифатида 500 минг олтин тўлашга, хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмаслик мажбуриятини олишга ва рус савдогарларининг амирлик ҳудудида эркин савдо қилишларига, қарвонсаройлар ҳамда дўконлар очишларига рози бўлади.

## **Хива хонлигининг империя вассалига айлантирилиши**

Чор Россиясининг хукмрон доиралари Бухоро амирлиги ва кўқон хонлиги ерларидан ташкил топган Туркистон генералгубернаторлигини Ўрта Осиёдаги харбий операциялар учун таянч марказига айлантириб истило тиғини Хива хонлигига қаратишди. Бекович-Черкасский экспедициясининг халокати ва 1839 йилда Перовский юришининг барбоди хали чор генераллари ёдидан чиқмаган эди. Ўзбек хонликларининг учинчиси-Хива ўз мустақиллиги билан мустамлакачилар учун жиддий хавф солиб турар эди. 1872 йил охирларида харбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиб иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга узилкесил қарор қилинди. Генераллар режасига кўра Туркистон генералгубернаторлигига оид кучлар шарқдан, Оренбург губернатори ва Кавказ ноиблигига оид харбий кучлар ғарбдан ва шимолий-ғарб томондан юриши керак эди. Россиянинг тажовузкор нияти Хива хони ва унинг амалдорларига сир бўлмаган. Сайид Муҳаммад Раҳимхон II руслар тахдидига қарши Англиядан мадад сўрагани. Англиянинг хукмрон доиралари Хива мустақиллигини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлсалар ҳам Россия билан очик тўқнашувдан хавфсирар эдилар.

1873- йил 12-августда Гандимиён қишлоғида фон Кауфман сулҳ шартномасини Муҳаммад Раҳимхон диққатига ҳавола қилади. Бунга кўра, Амударёнинг ўнг қирғоқлари Россия Ихтиёрига ўтди, рус кемаларини Амударё бўйлаб сузишлари учун барча имкониятлар яратилди.

Шундан сўнг Россия Ўрта Осиёни забт этишга жиддий киришади ва асосий пахта етиштириладиган Қўқон хонлиги эгалланади. Хонлик тугатилиб, унинг ҳудуди Россия империясига қўшиб олинади.

Орадан бироз ўтиб Ўрта Осиёга Чор Россиясидан савдогарлар келиб, маҳаллий аҳолидан пахта толасини харид қилиб, Россияга жўната бошлайди.

Пахтага талаб ошган сайин маҳаллий деҳқонлар уни кўпроқ эка бошлашади. Бу орада Россиядан пахта тозаловчи илк дастгоҳлар олиб келинади.

Тарихдан маълумки, Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини вассалга айлантирганда **мулк дахлсизлигига аралашмайди.**

Шу сабабли, Ўрта Осиёда пахта етиштириш мажбурлаш билан эмас, бозорда пахтага талаб ортгани туфайли кўпайиб бораверади. Шу тариқа пахта XIX аср охири, XX аср бошларида Ўрта Осиёда етиштириладиган асосий экин мақомини олади.

4

Россияда ўтказилган ер ислохотлари туфайли қашшоқлашиб қолган аҳолини кўчириб келтириш ва уларни ер билан таъминлаш.

Марказий Россиядан ўлкага келаётганлар сони кўпайиб, Туркистонда рус шаҳарлари ва қишлоқлари қад кўтарди. Жумладан, 1875-йилдан то 1890-йилгача Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб, 19 та рус қишлоғи вужудга келди. 1891- 92-йилларда Россияда очарчилик кучайган вақтда бу қишлоқлар сони 25 тага етди. Россия кўчириш учун 1896-1906-йилларда 3 млн олтин сўм, 1907-йилда 13 млн олтин сўм миқдорида ҳаражат қилди. Кўчириб келтирилган рус деҳқонлари катта имтиёзларга эга бўлдилар, улардан маълум муддатгача солиқ олинмади. Чоризм ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам унумдор ерларни рус деҳқонларига ажратиб беришга ҳаракат қилди ва ер солиқларини ошириб, маҳаллий аҳолини ўз ерларини сотишга мажбур этди

# Чор Россиясининг асосий режалари


-Чор Россияси капитализмнинг ривожланиши билан Ўрта Осиёни аграр хом-ашёси базасига айлантиришини асосий вазифа деб билар эди.

-Россиянинг хом ашё маркази ҳисобланган Ўрта Осиёни ва шу жумладан Бухоро хонлигини ҳам темир йўл билан боғлади.

-Босиб олингандан кейин бошланғич даврда чор Россияси қишлоқ хўжалигини ривожланишига қаратилган ҳеч қандай ҳаракат қилмади.



1867 йилда Тошкентда генерал-губернаторлик тузилган. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишидан кейин пахтачилик билан боғлиқ бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш яратила бошланди: пахта тозалаш, ёғ ва бошқа заводлар қурила бошлади. Меҳнаткашлар Россия чор ҳукумати режими остида ва маҳаллий феодал-савдогарлар эксплуатацияси остида эзилди. Россияда капитализм ривожланиши билан чор самодержавияси мақсади Ўрта Осиёни аграр хом-ашё базасига айлантириш эди. Чор ҳукуматининг бошланғич давларида у қишлоқ хўжалигини тиклаш учун чоралар кўрмади, мавжуд ирригацион системалардан фойдаланилди.







Россия Мирзачўлнинг унумдор, сувсиз ерларини ўзлаштиришга эътибор берди. 1872 йилда генерал-губернатор Фан Кауфман бошлаган кауфман канали қурилиши биринчи уриниш бўлди. У 6 йил ичида 13 км гача қазилиб тугалланмай қолди. 1892 йилда Тошкентда яшаган князь Николай I ўз маблағига Мирзачўлда янги канални (Николай I канали, 84 км) 4 йилда қурдирди. 1900 йилда Россия қишлоқ хўжалик министрлиги буйруғи билан Мирзачўлда 35 минг десятина ерларни сув билан таъминловчи катта Романов канали, Мурғоб дарёси водийсида 22 минг десятина ерни суғорувчи Мурғоб канали қурила бошланди. Бу каналлар Россиядан Мирзачўл ва Мурғобга кўчиб келган аҳолини сув билан таъминлади.



Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши 20 йил давом этди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилди. Бухоро ва Хива хонликлари октябрь инқилобига ва вассал ҳолида қолдирилди ва контрибуция тўлашга сулҳ тузилди. Россияга қўшиб олиниши капитализм кириб келишига ва иқтисодий тараққиётнинг тез ўсишига сабабчи бўлди. Савдо-сотиқ ривожланди. Пахтанинг Америка сортлари олиб келинди ва пахта етиштириш кўпайди. 1879 йилда Туркистондан 140 пуд, 1880 йилда 202 пуд, 1885 йилда эса 2000 пуд пахта толаси олиб кетилди. 1895 йилда 300 минг пуд Россияга олиб кетилди (1 пуд-16 кг).





1913 йилда Романов магистрал канали ишга туширилди. Канал 40 км га, унғ тармоқ 64 км, чап тармоғи 46 км га эга эди. Бош шлюз-регулятор 130 м<sup>3</sup>/сек га, магистрал канал I навбатда 50 км<sup>3</sup>/сек га 1914 йилда 10 минг га, 1917 йилда 35 минг га суғорилди. 1914 йилдан бошлаб улкани ўзлаштириш бошланди. Асосан рус кўчманчилари келиб ерларга эгалик қилди. Мардикор ва чорикорлар улар кўлида ишлади.

1917 йилда 17 посёлка (3677 хўжалик) пайдо бўлди, 35 минг га суғорилиб, 19 минг (55%) гача пахта экилди. 30 ц/га ҳосил олинди. Лекин ирригацияни яхши билмаслик натижасида ерлар шўрланиб, ботқоқланиб ҳосилдорлик камайиб борди (9 ц / га). гектарига 40 минг м<sup>3</sup> сув берилди. Бу ерлар ташланиб, янги ерлар ўзлаштириб борилди. Шундай қилиб, “**кўчиб юрувчи**” деҳқончилик юзага келди. 1914 йилдан 1919 йилгача, 5 йилда 95 минг га ердан 60 минг. га ер шўрланиш ва ботқоқланиши сабабли ташлаб кетилди.

## 1917 йилдан кейинги даврларда Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ҳолати.

1917 йил декабрь ойида Туркистон ўлкасида ерни сотиш, сотиб олиш битимлари ман қилинади. Катта ер мулклари, боғлар национализациялаштирилди. Н.К. Романовларнинг ер мулклари ака-ука Ивановлар- «Капланбек», «Кенсай», саноат-савдо, «Владимир Алексеев», ширкат боғи, «Эски Тошкент» ва бошқалар давлат ҳисобига ўтказилди. Туркистон Совнаркомининг қарорига мувофиқ 13-март 1918-йилдан бошлаб ҳамма бош каналлар ва уларнинг иншоотлари Дехқончилик халқ Комиссариятига ўтади.




Суғориш тармоқларини тузатиш учун Туркводхоз (1918-1917 йил) ташкил қилинди. Бу ишларни муваффақиятли ўтказиш учун Совет ҳукумати томонидан Туркистонда ирригация ишларига ва шу ишларни ташкил қилиш учун 50 миллион рубл ажратилди. Декретга мувофиқ Мирзачўлда 500 минг десятина (1дес.- 1,09 га) Далварзин чўлида – 40000 десятина (44минг га) ерлар Сирдарёдан суғорилиши режалаштирилган. Учқўрғон чўлида Фарғона водийсидаги -10 минг дес.( 11 минг га) ва 20000 десятина майдонда сувдан фойдаланишни тартибга тушириш, Зарафшон дарёсида сув омбори қуриб 100000 десятина майдонни суғориш ва Чу дарёсининг водийсида 94 минг дес. майдонни суғориш ишларини ўтказиш кузда тутилган эди.



Россиядаги гражданлар уруши ва Туркистонда урушлар ҳаракати ирригация иншоотларни издан чиқарди. 1920 йил 2 ноябрдаги декретга кўра, Туркистонда ва Озарбайжон ССР да пахтачиликни тиклаш бўйича алмашлаб экишни жорий қилиш, селекция станцияларини, янги тажриба далаларини ташкил этиш, уруғ билан таъминлаш, ирригация иншоотларини 1921 йил баҳоригача тартибга келтириш ишлаб чиқилди. Чунки мавжуд ирригацион тизимлар издан чиқиб кетган эди, сув олиш иншоотлари бузилган, суғориш тармоқлари лойқага тўлиб қолган эди. 1920 йилда экилган майдон 1915 йилга нисбатан 1 млн. десятинага камайган эди. Туркистон сув хўжалиги органлари етарли инженерларга, техникларга ва пул маблағларига эга эмас эди. 1921 йил сув тошқини айниқса сув хўжалигига катта зиён етказди.






1920 йили Хива хонлиги Хоразм Халқ Совет республикасига ўзгартирилади. Шу йилда Бухоро Халқ Совет республикаси эълон қилинади. Бу республикаларнинг асосий иқтисодий масалаларидан бири бўлиб, суғориш тармоқларини тиклаб суғориладиган ер майдонини урушдан олдинги рақамларга етказишга қарор қилинди.

Туркистон республикасида 1920-1923 йилларда давлат томонидан бир қанча қарорлар қабул қилиниб улар қишлоқ хўжалик ва сув хўжаликларини янгидан тиклаб ва ривожланишга қаратилган бўлса ҳам, лекин улар фақат катта муаммоларнинг бир қисмини ечди. Кўп жойларда сув тошқинлари сув ва қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Кўп гидротехник иншоотлар бош каналлар ишга яроқсиз бўлиб қолди суғориладиган кўп майдонлар шўрланиб ҳосилдан чиқиб кетди. Натижада 1922 йилга келиб суғориладиган ерлар 1913 йилга нисбатан экиладиган ерларнинг фақат 49 фоизини ташкил қилди.

1920-1924 йилларда Хоразм ХР 146 каналдан сув олган, кўпинча чиғирли суғориш қўлланган, 60 минг чиғир ишлаб турган. Ҳар бир чиғир 8-10 таноб ерни (2-2,5 га) ерни суғорган ва катта иш кучини талаб этган. Амударё тошқини, жуда катта зарар келтирган.

1924 йилга келиб суғориш майдонларининг кўп қисми қайта тикланди ва урушдан олдингига нисбатан 83% га етказилди.



1924 йилдан бошлаб Туркистон ирригациясида ўсиш бошланди. 1924 йил январда Туркистон республика сув хўжалиги ходимларининг съезди ирригациянинг актуал масалаларини кўриб чиқди ва сув налоги, ирригацион тизимларнинг ўзини оқлаш, мелиоратив ва сув жамиятлари, ирригацион фондлар, сув қонунчилиги, сув манбаларида ва ирригацион тизимларда сувни ўлчаш ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Биринчи беш йилликда (1929-1933 йил) қисқа вақт ичида Вахш, Чирчиқ, Ангрен ва Мирзачўлда янги суғориш тармоқларини қуриш ва Хоразм, Қашқадарёда эски сув тармоқларини янгидан қуриш масалалари кўрилди. Ўзбекистонда биринчи беш йиллик режаларида сув хўжалигининг масалалари аълоҳида кўзда тутилди. Унда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш масалалари кўзда тутилди, бўз ерларда ва ҳамма пахта экиладиган жойларда (Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Бухорода) катта ирригацион қурилишлар кўрсатилган.



## Nazorat savollar

1. XIX asrning ikkinchi yarimi va XX asr boshlarida Oʻrta Osiyoda irrigatsiyaning rivojlanishi (1853-1917).
2. Chor Rossiyasining Oʻrta Osiyo boʻyicha asosiy rejalari?
3. Toshkentda general-gubernatorlik tuzilishi?
4. 1872 yilda general-gubernator Fan Kaufman boshlagan kaufman kanali, 1892 yilda Toshkentda yashagan knyaz Nikolay I oʻz mablagʻiga xisobiga qurgan kanali va boshqa kanallar qurilishi?
5. Oʻrta Osiyoda paxta yetishtirishning koʻpaytirilishi?
6. Chor Rossiyasining Oʻrta Osiyoda yer maydonlarining oʻzlashtirilishi va koʻchib yuruvchi dehqonchilikning yuzaga kelishi?
7. 1917 yildan keyingi davrlarda Oʻzbekistonda irrigatsiya va melioratsiyaning holati?
8. Birinchi besh yillikda (1929-1933 yil) irrigatsiya va melioratsiya sohasida amalga oshirilgan ishlar?